



ЎЗБЕКИСТОНДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси тадбирлари бўлиб ўтади.

Саммит ишида ШХТга аъзо мамлакатлар — Покистон Ислом Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, шунингдек, ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлатлар — Беларусь Республикаси, Мўғулистон ва Эрон Ислом Республикаси етакчилари иштирок этади.

Фахрий меҳмон сифатида Туркия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Туркменистон ва Арманистон Республикаси, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари тақдир этилган.

Самарқанд саммитининг кун тартибига мувофиқ кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг

долзарб масалалари, ШХТни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари ва устувор вазифалари кўриб чиқилади. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Яқунда ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва устувор соҳалардаги минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бўлажак мажлис ШХТ етакчиларининг 2020 йилда коронавирус пандемияси бошланганидан сўнг охириги уч йилда биринчи юзма-юз учрашуви бўлади.

Шунингдек, саммит Ўзбекистон Республикасининг ШХТдаги раислигига яқун ясайди. Ўтган даврда 80 дан ортқ йирик тадбир ўтказилган.

ЎЗА

ХХР РАИСИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 14–16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ Самарқанд шаҳрида олий даражадаги икки томонлама музокаралар бўлиб ўтади.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Ҳар доимгидек, ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари, энг аввало, савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, инновациялар, “яшил” ва рақамли иқтисодиёт борасидаги қўшма лойиҳалар, соғлиқни сақлаш, таълим

ЎЗА

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 15-16 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд шаҳридаги саммити доирасида ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон ва Россия етакчиларининг музокаралари кун тартибидан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Алоҳида эътибор саноат кооперациясини кенгайтириш, ҳудудлар ва ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, қўшма иқтисодий лойиҳалар ва гуманитар дастурларни илгари суришга қаратилади.

Шу билан бир қаторда давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашади.

Шунингдек, Президент Владимир Путин ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси тадбирларида иштирок этади.

ЎЗА

ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий 14–16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Эрон музокаралари ва ташриф доирасидаги бошқа тадбирлар Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Икки мамлакат етакчилари кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқади, савдо, кооперация, инновациялар, транспорт, энергетика, туризм ва бошқа йўналишлардаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратади.

Учрашув якунида қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

15-16 сентябрь кунлари Президент Иброҳим Раисий ШХТнинг Самарқанд саммити тадбирларида иштирок этади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда аграр соҳада аҳолининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг даромадларини ошириш, шунингдек, “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ–20-сон қарорига мувофиқ, фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалладан қисқартирилган ва аҳолига узоқ бўлмаган ҳудудлардан:

2022 йилда 80 минг гектар экин майдонларини;

2023–2025 йилларда 120 минг гектар экин майдонларини аҳолига очик электрон танлов орқали ижарага бериш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ҳамда кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ерлардан 2022 йил якунига қадар қўшимча

20 минг гектар — умумий 100 минг гектар экин майдонлари, 2023 йилда 95 169 гектар экин майдонлари 1 — 1.13-илваларга мувофиқ аҳолига очик электрон танлов орқали ижарага берилсади.

Бунда:

а) экин майдонлари фуқароларга 30 йил муддатга:

сув таъминоти яхши бўлган ерлардан — Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 0,15 гектардан 1 гектаргача, бошқа вилоятларда 0,30 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,30 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда;

кам суви ерлардан — вилоятларда 0,50 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида

0,50 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда ижарага берилсади;

б) 2022-2023 йилларда деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида экин майдонларини аҳолига бериш учун ташкил этиладиган очик электрон танловда 1 нафар талабгор иштирок этган тақдирда, истисно тариқасида, танлов ўтказилган ҳисобланади;

в) иссиқхона тармоғи кенг ривожланган туманларда деҳқон хўжалиқларига ажратиб берилган экин майдонларида иситиш тизимларини ўрнатмаган ҳолда енгил конструкцияли иссиқхоналар қурилишига рухсат берилсади.

3. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон – Хитой: БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЮҚОРИ ДИНАМИКАСИ

Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30-йилида амалга оширилаётгани чуқур рамзий маънога эга. Шу ўринда сўнги йиллар давомида мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишларда кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг

юқори ўсувчанлиги кузатилганини қайд этиш муҳимдир.

Олий даражадаги ишончли сиёсий мулоқотнинг мавжудлиги ушбу ўсувчанликнинг асосий омили ҳисобланади.

▶ Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИДА КАДРЛАР СИЁСАТИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз таълим соҳасини ривожлантиришни асосий вазифалардан бири сифатида қайд этиб, жумладан, шундай деди: “Таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарслиklar мазмунини тубдан қайта кўриб чиқилади”.

▶ Давоми 5-бетда



Ушбу сурат.

МУНОСАБАТ



ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ЗАМОНАВИЙ ФОРМАТДАГИ САММИТ

Ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги тарихий платформа

Президентимизнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласида қайд этилганидек, “Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос тарихий эврилиш палласига тўғри келди — бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда”.

▶ Давоми 4-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган аҳолига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари очик электрон танлов орқали ижарага берилганда, мазкур хатбошида назарда тутилаётган шахслар юқоридаги дафтарлардан чиқарилмайди ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар бир йил муддатга сақлаб қолинади;

имтиёз ва преференцияларнинг бир йиллик амал қилиш муддати деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Воитов, Х.Каримов) ва Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов) билан биргаликда:

а) бир ой муддатда 2022 йилда аҳолига қўшимча тарзда очик электрон танлов орқали ижарага бериладиган 20 минг гектар экин майдонларининг, 2023 йил 1 январга қадар 2023 йилда аҳолига очик электрон танлов орқали ижарага бериладиган 95 169 гектар экин майдонларининг аҳоли пунктларига яқин, сув таъминоти яхши бўлган ерлардан танланиши ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг захирасига белгиланган тартибда қайтарилиши ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Бунда, ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи ёҳуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниши Ер кодексининг 36-моддасида белгиланган ҳолларда,

жумладан, ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, ушбу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда, ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувиغا олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда, амалга оширилади;

б) заҳирага олинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ҳокимликлари буюртмасига асосан амалга оширилишини, бунда давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини;

в) давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган экин майдонларининг сув таъминоти яхши бўлган ерларда — Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида камида 0,15 гектарга, бошқа ҳудудларда камида 0,30 гектарга ҳамда кам сувли ерларда камида 0,50 гектарга тенг бўлган ҳажмларда лотларга ажратилиб, бир ой ичида очик электрон танловга қўйилишини;

г) экин майдонларини танлаш ва лотларга ажратиш ишларида маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчиларининг иштирокини ҳамда улар томонидан билдирилган таклифлар инobatга олинишини;

д) ер тўғрисидаги қонунчилик ва ижара шартномаси талаблари бажарилмаганда, жумладан, ижарага берилган ер участкасидан оқилона

фойдаланилмаганда, талабгор томонидан очик электрон танлов орқали ернинг ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун олинган қўшимча мажбуриятлар бажарилмаганда, ерга бўлган ҳуқуқ Ер кодекси ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга асосан бекор қилиниши ҳақида деҳқон хўжаликлари аъзолари орасида тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин.

Мазкур бандда белгиланаётган топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминламаган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

5. Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Воитов, Х.Каримов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари:

2022 йил якунига қадар қўшимча 20 минг гектар, 2023 йилда 95 169 гектар экин майдонларини очик ва шаффофликни таъминлаган ҳолда деҳқончилик кўникмаларига эга бўлган, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган аҳолига ажратсин;

мазкур майдонларга Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги тавсиясига асосан, ҳудудлар эҳтиёжлари учун зарур бўлган ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экилишини таъминласин. Бунда, сабзавот, полиз, дуққақли, мойли ва картошка экинларини интенсив усулда экишга алоҳида эътибор қаратилсин;

маҳсулот етиштирувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан,

уруғлик, кўчат, минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш, шунингдек, зарурий агротехник хизматлар кўрсатиш ишларини ташкил этсин;

агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналарни жалб қилган ҳолда етиштирилган тайёр маҳсулотни харид қилиш, уни қайта ишлаш, сақлаш, ички ва ташқи бозорларга йўналтириш чораларини кўрсин;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И.Эргашев) билан биргаликда экин майдонларида зараркунандалар ҳамда касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувларни ташкил этиб, деҳқон хўжаликларига экинларни ҳимоя қилиш хизматлари ўз вақтида кўрсатилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташвиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган кичик агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири А.Б.Воитов, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М.Каримов мазкур чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали ташкил этиш устидан доимий мониторинг урнатиб, амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 сентябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШҲТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ РАИСЛИГИ, БИРИНЧИ НАВБАТДА, МАМЛАКАТ ЕТАКЧИСИНИНГ СИЁСИЙ ИРОДАСИ ТУФАЙЛИДир

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали концептуал мақоласи халқаро ижтимоий-сиёсий доиралар ва экспертлар ҳамжамиятида катта акс садо берди.

Мақоланинг хорижда кенг оммалашаётгани дунёда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг роли тобора ортиб бораётгани, шунингдек, Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсатида катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

Мақолада Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган саммит, унинг мамлакатимиз, минтақа ва умуман, замонавий дунё учун аҳамияти, Ўзбекистоннинг ШҲТ иштирокчили ва амалдаги раиси сифатидаги устувор йўналишлари ҳамда замонавий халқаро сиёсатнинг бошқа жиҳатлари ҳақидаги муҳим саволларга жавоблар ўз ифодасини топган.

Биргина 12 сентябрнинг ўзида ушбу мақола дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларидаги ўнлаб етакчи босма ва электрон нашрларда инглиз, араб, болгар, испан, хитой, немис, рус, турк, француз ва бошқа тилларда чоп этилди. Улар орасида Қувайтнинг “Аль-Анба”, “Таймс Кувейт”, “Ал-Нахар” газеталари, машҳур “Q8 Press” электрон наشري, Эроннинг “Iran News” и “Iran Daily” газеталари, Бирлашган Араб Амирликларининг “AlBayan” электрон наشري, Мисрнинг “Sada al Balad” ахборот агентлиги, “Misr al Balad” ва “Sout el Shaab” газеталари, Умоннинг “Asdaa Oman” газетаси, Покистонда нашр этиладиган “Islamabad Post”, “National Herald Tribune” газеталари ҳамда “Diplomatic Insight”, “Daily Spokesman”, “Centreline”, “Pakistan in the world”, “The Gulf Observer” ва “Global News Pakistan” ахборот агентликлари бор.

Мазкур мақола кўшни мамлакатларда ва умуман, МДҲ маконида ҳам кенг миқёсда чоп этилди. Масалан, Қозоғистоннинг етакчи “Казахстанская правда” газетаси веб-саҳифаси, “Ин-фозакон”, “Kzaif.kz” ва “Человек и Закон” сингари нуфузли ахборот-таҳлил нашрлари, Туркменистоннинг “Нейтральный Туркменистан” ҳукуматга қарашли газетаси, Қирғизистоннинг етакчи “Kabar” давлат ахборот агентлиги, Тожикистоннинг “Халқ овози” газетаси ва “Авеста” ахборот агентлиги,

Россиянинг “Независимая газета”, Беларусьнинг “Звязда” нашри, Озарбайжоннинг “Trend” ахборот агентлиги, “Turkic World”, “News Day”, “News Mill”, “Minval” ва “Musavat” веб-сайтлари ва бошқа кўплаб оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон ва Индонезиядаги етакчи оммавий ахборот воситаларида ҳам Ўзбекистон Президентининг мақоласи чоп этилди.

Европанинг қатор оммавий ахборот воситаларида ҳам мазкур мақоланинг эълон қилиниши бўлажак тадбирга ШҲТ оиласи таркибига кирмайдиган Европа мамлакатларида қизиқиш юқорилигидан далолат беради.

Ўз саҳифаларида концептуал мақолани чоп этган Франциянинг машҳур “Le Spectacle du monde” журнаלי ва “L’Opinion” нашри, Европанинг “Diplomat Magazine” ва “EU Reporter”, “bne Intellinews” нашрлари, Италиянинг “Il Gornale” журнали ҳамда “Брюссел — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи, шунингдек, “Diplomatic World Institute”, испан тилидаги халқаро онлайн-нашрлар — “El Mundo Financiero” ва “El Periodico de Aqui” ва бошқа ОАВ бор.

Давлатимиз раҳбарининг мақоласи халқаро ташкилотлар ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Исрол ҳамкорлик ташкилотининг ихтисослашган наشري — “Oic Today” журнали ҳамда ИХТ Ахборот агентликлари иттифоқининг веб-сайтида ҳам эълон қилинди.

Нуфузли халқаро экспертлар давлатимиз раҳбари томонидан қўтарилган масалаларнинг долзарблиги, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги, хусусан, ШҲТ платформасидаги ташаббуслари ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этди.

Ден ХАО,
Хитойнинг ШҲТ тадқиқот маркази
Бош котиби:

— Президент Шавкат Мирзиёев қаламига мансуб мақоланинг чоп

этилгани ШҲТ саммитини Самарқанд шаҳрида муваффақиятли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Мақолада ШҲТ саммити арафасидаги тарихий ҳақиқат ва халқаро вазият қайд этилган. Қуролли можаролар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон иқтисодиётини аввалги ривожланиш йўналишига қайтариш ва глобал таъминот заنجирларини тиклаш зарурлиги, умумбашарий иқлим ўзгаришларига зарур муносабатни билдириш лозимлиги таъкидланган.

Шу нуктаи назардан, мақолада тафовутларни бартараф этиш ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтириш ва маданий-гуманитар алмашувларни рағбатлантиришда халқаро ва минтақавий ташкилотлар тутадиган муҳим ўрин таъкидланган.

Хитой эксперт доиралари вакиллари Ўзбекистоннинг ШҲТни ривожлантиришга доир конструктив ёндашувлари ва қарашлари, жумладан, ташкилотнинг турли блоклардан ҳоли мақомага эга экани, очкичли, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофга йўл қўймаслик сингари масалалардаги нуктаи назарига қўшилишди.

Ўзбекистон ШҲТ асосчиларидан бири сифатида ташкилот ривожига муҳим ҳисса қўшди. Мақолада олинган ушбу иқтибос жуда муҳим — “Тарихан қисқа даврда ШҲТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин”. Бу сатрлар муаллифининг ШҲТни янада институционал ривожлантиришнинг муҳимлиги ҳақидаги чуқур қарашларини ифодаляди.

Ўзбекистоннинг муваффақиятли раислиги, биринчи навбатда, мамлакат етакчисининг сиёсий иродаси туфайлидир. Мақолада таъкидланганидек, йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тадбир доирасида ШҲТ учун кенг қамровли кун тартиби

шақллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишининг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди.

Ўзбекистон Президенти жаҳон ҳамжамиятига фаол ва очик ташқи сиёсат курсининг бундан кейин давом этишини, биз, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатларининг яқинлашуви мисолида кўриб турганимиздек, барчаси муваффақиятли ва самарадор бўлишини ишора қилмоқда.

ШҲТнинг Самарқанд саммити натижалари тарихий аҳамиятга эга бўлиши, минтақа ва дунёдаги вазиятга ижобий ўзгаришлар олиб келиши шубҳасиздир.

Януш ПЕХОЧИНСКИЙ,
Польша-Осиё Савдо-саноат палатаси президенти, Польша Бош вазирининг собик уринбосари ва Польша иқтисодиёт вазири:

— Ўзбекистон раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанддаги саммити жуда мураккаб пайтда бўлиб ўтади. Дунё пандемия чекловлари билан қарчаган ва уч йилдан буён мамлакатларнинг бир-бирига бўлган ишончини тиклайдиган ва белгиланган халқаро ҳуқуқ тизимининг қулашига йўл қўймайдиган ҳар қандай муҳим, ижобий глобал ўзгаришларни кутмоқда.

Шундай шaroитда ШҲТ ўз мақсад ва вазифалари нуктаи назаридан, башорат қилинадиган ва прагматик муносабатлар тизимида тобора фаол, шунингдек, минтақавий ва субминтақавий миқёсдаги қарорларини шакллантириш ва амалга оширишга қодир нуфузли ташкилотга айланмоқда.

Шу маънода айтиш мумкинки, ШҲТ ушбу ташкилотни барқарор ва истиқболли қиладиган консолидацияланган нуктаи назар ва кун тартибига эга. Президент Шавкат Мирзиёев ўз мақоласида таъкидлаганидек, “ШҲТга аъзо барча давлатлар бизнинг энг яқин қўшнларимиз, дўстларимиз ва стратегик шерикларимиздир”.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг обрўси нафақат минтақада, балки

бутун дунёда ўсиб бормоқда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат ташқи сиёсатини ўзгартиришдаги роли тўла эътироф этилган, зеро мамлакат янги, фаол ва қаратқан қиёфа касб этган. Бу Ўзбекистоннинг кўп томонлама ҳамкорлик институтлари, хусусан, ШҲТ доирасидаги ўрнига ҳам дахлдор.

Мақолада Ўзбекистон раҳбари қайд этганидек, бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яқкаю ягона йўли — конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир.

Самарқанд саммити энди бошланмоқда, аммо у ШҲТ тарихида қолади ва Ўзбекистоннинг йирик сиёсий муваффақиятига айланади, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

Мехмет Сейфеттин ЭРОЛ,
Анқара Инқироз ва сиёсий тадқиқотлар маркази директори:

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиш ва Ўзбекистон Президентини томонидан ушбу тузилма доирасида илгари сурилган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши, ҳақиқатан ҳам, жаҳон миқёсида ишонч ва геосиёсий қарама-қаршиликлар инқирози кучайиб бораётган буғунги мураккаб даврда ШҲТнинг нуфузи ва мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Мақолада айнан шу масалаларга, шунингдек, глобал тенденцияларни чуқур таҳлил қилишга, янги муаммолар ва имкониятлар билан ўзаро боғлиқ дунёда ШҲТнинг халқаро муаммолар спиралидаги ролини баҳолашга катта эътибор қартилган.

Ўзбекистон раҳбари “Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ кучли бўлади” деган шioriни эълон қилгани ҳолда республиканинг ташкилотга раислиги моҳиятини очиб берган. ШҲТ маконидаги давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланаётган иқтисодиётларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий заҳираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилиши ҳам асосли равишда қайд этилган.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Воитов) билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б.Воитов, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори М.М.Ўбайдуллаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Хулид Акрам ТАЙМУР,
“Ягона келажакка эга жамият” таҳлил марказининг ижрочи директори:

— Президент Шавкат Мирзиёев ўз мақоласида Ўзбекистон ШҲТ мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга устувор аҳамият беришини таъкидлар экан, ўзаро боғлиқ дунёдаги муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз қарашларини ўртоқлашган.

Тошкентнинг янги минтақавий сиёсатининг асосий мақсади Марказий ва Жанубий Осиёни барқарорлик ва изчил ривожланиш ҳудудига айлантириш, ишонч, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик муҳитини яратишдир.

ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган янги сиёсий муҳит яратилгани айнаи ҳақиқат. Ўзбекистоннинг янги, очкичлик ва дўстлик сиёсати хорижий давлатларни, жумладан, Жанубий Осиёни ҳам рағбатлантирмоқда.

Ўзбекистон Афғонистон йўналишидаги кўп томонлама ҳамкорлик орқали етакчи ролни сақлаб қолади, минтақа давлатларини Афғонистон билан ҳамкорликни давом эттиришга ва уни Марказий Осиё минтақавий мулоқотида киритишга қажради.

Ўзбекистон ШҲТни муҳим минтақавий форумга айлантириш борасида жиддий саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Давлат раҳбари ШҲТ учун муҳим қадам ташлаб, ташкилот тарихида “янги саҳифа” очди.

Ўзбекистон Президентининг Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш борасидаги улкан ташаббуси минтақавий интеграцияни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон – Хитой: барча йўналишлардаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг юқори динамикаси

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил май ойида Хитойга биринчи давлат таширифи чоғида ХХР Раиси Си Цзиньпин билан самарали музокаралар бўлиб ўтган эди. Давлат раҳбарлари мамлакатлар ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклиқни чуқурлаштириш мақсадида келгуси йилларга мўлжалланган ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар.

Икки давлат раҳбарларининг 2018 йилда Циндао шаҳрида (ХХР) бўлиб ўтган ШХТ саммити доирасидаги музокаралари Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ривожига янги суръат бағишлади. Ўзбекистон Президентининг 2019 йили Пекин шаҳрида бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” халқаро форумидаги иштироки доирасида ўтказилган икки давлат раҳбарлари учрашуви якунлари бўйича кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг “янги нуқталари” белгилаб олинди.

Ўзбекистон ва Хитой етакчиларининг 2020 йил 10 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг он-лайн тарзда бўлиб ўтган йиллик саммитидаги нутқлари ШХТнинг кенг маконидо хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича икки давлатнинг нўқтаи назари яқин ёқин ўхшаш эканини яна бир бор тасдиқлади.

Жорий йилда икки давлат раҳбарлари дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан Марказий Осиё ва ХХР давлат бошлиқларининг 25 январь куни бўлиб ўтган он-лайн саммитида, шунингдек, 24 июнь куни он-лайн форматда бўлиб ўтган Глобал ривожланиш масалалари бўйича юқори даражадаги “БРИКС плус” мулоқотида иштирок этдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил февраль ойи бошида Пекинда бўлиб ўтган киши Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимидаги иштироки доирасида ХХР Президенти Си Цзиньпин билан учрашди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ҳукуматларaro форматда икки томонлама қатор музокаралар ўтказилди. Икки давлат ўртасидаги парламентларaro алоқаларни сифатли тарзда ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Ўзбекистон ва Хитой Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик фаол мазмундорлик касб этди.

Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл”нинг биргаликда барпо этилиши бўйича Хитойнинг муҳим шеригидир. Пандемия оқибатларига қарамай, мамлакатларимиз нафақат ҳар томонлама стратегик шериклиқни мустаҳкамлаш тамойилини сақлаб қолиш, балки биргаликда амалий ҳамкорликнинг янги қирраларини аниқлашга ҳам муваффақ бўлди.

Умумий саъй-ҳаракатлар туфайли савдо, иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида икки томонлама ҳамкорликнинг юқори ўсувчанлигига эришилди.

Сўнгги уч йилда Хитой Ўзбекистоннинг биринчи савдо ҳамкори сифатидаги мавқеини сақлаб қолмоқда. Пандемиядан олдин икки томонлама товар айланмасининг йиллик ҳажми ўртача 30–40 фоиз ошди. 2020 йили COVID-19 фонида ўзарo савдода бир оз пасайиш кузатилди. Аммо 2021 йилда ўзарo савдо ҳажми салкам 7,4 миллиард долларга, шу йилнинг январь-июнь ойларида эса 4,5 миллиард долларга етди.

Шунингдек, Хитой Ўзбекистон учун энг йирик экспорт бозори бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида инвестициялар ва замонавий технологиялар соҳасидаги ўзарo ҳамкорлик тобора жадал тус олмақда. Бу алоқалар Ўзбекистон иқтисодиётини технологик

“СўНГИ УЧ ЙИЛДА ХИТОЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ САВДО ҲАМКОРИ СИФАТИДАГИ МАВҚЕИНИ САҚЛАБ ҚОЛМОҚДА. ПАНДЕМИЯДАН ОЛДИН ИККИ ТОМОНЛАМА ТОВАР АЙЛАНМАСИНИНГ ЙИЛЛИК ҲАЖМИ ЎРТАЧА 30–40 ФОИЗ ОШДИ. 2020 ЙИЛИ COVID-19 ФОНИДА ЎЗАРo САВДОДА БИР ОЗ ПАСАЙИШ КУЗАТИЛДИ. АММО 2021 ЙИЛДА ЎЗАРo САВДО ҲАЖМИ САЛКАМ 7,4 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА, ШУ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ЭСА 4,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТДИ.

модернизация ва диверсификация қилишни жадаллаштиришга, шунингдек, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган.

Ўзбекистонга Хитой сармояларининг йиллик ўсиши 40–50 фоиз атрофидаги кўрсаткични ташкил этади.

Бугунги кунда Хитойнинг тўғридан-тўғри инвестициялари бошқа етакчи ҳамкорлар капитали билан бир қаторда Ўзбекистон иқтисодиётининг қатор тармоқларида фаол иштирок этмоқда. Улар орасида нефть-газ, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги, энгил саноат ва бошқа



“ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ 2020 ЙИЛ 10 НОЯБРЬ КУНИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ОНЛАЙН ТАРЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ЙИЛЛИК САММИТИДАГИ НУТҚЛАРИ ШХТНИНГ КЕНГ МАКОНИДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИККИ ДАВЛАТНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИ ЯҚИН ЁҚИН ЎХШАШ ЭКАНИНИ ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАДИ.

соҳалар бор. 2017 йилдан буён Хитой ишбилармонлари Ўзбекистонга 10 миллиард доллардан ортиқ сармоя киритди. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги корхоналар сони икки мингдан ошди. Бу Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий капитал асосидаги компаниялар умумий сонининг 15 фоизини ташкил этади.

Айни пайтда мамлакатларимизни “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида “қуруқликдаги бандаргоҳлар” тармоғи, логистика ва улгуржи дистрибьюторлик марказларини шакллантириш орқали минтақавий ва минтақаларaro ўзарo боғлиқлиқни мустаҳкамлаш саъй-ҳаракатлари бирлаштириб туради. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг муҳим натижаларидан бири Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон янги мультимодаль транспорт йўлагининг очилиши бўлди. Ушбу йўлак мазкур йўналиш бўлиб темир йўл қурилиши бўйича лойиҳа ишлаб чиқилишини жадаллаштиришга ундайди.

Минтақаларaro ҳамкорлик Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклиқни ривожлантиришнинг янги ҳаракатлан-тирувчи кучига айланмоқда. 2017 йилдан 2020 йил аввалида пандемия бошлангунга қадар Ўзбекистоннинг барча 14 ҳудуди раҳбарлари Хитойнинг турли вилоят ва йирик шаҳарларида бўлишди.

Бу йўналишдаги ўзарo саъй-ҳаракатлар натижаси ўларoқ, 150 дан зиёд истиқболли қўшма лойиҳани амалга ошириш бўйича икки томонлама қатор битимлар имзоланди. Уларнинг аксарияти бўйича амалий ишлар аллақачон бошланган ёки, биринчи навбатда, тайёр экс-

Юқорида қайд этилган анъанавий соҳалардан ташқари мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик янги жабҳаларни — соғлиқни сақлаш, суви тежайдиган технологиялар, қайта тикланадиган энергия манбалари, фойдали қазилмалар, рақамли иқтисодиёт, электрон тижорат ва бошқаларни ҳам қамраб олган. Жадал ривожланаётган бундай ҳамкорлик ўзарo манфаатли аҳамиятга эга бўлиб, икки мамлакат халқларига сезиларли наф келтирмоқда.

2020 йилнинг якунлари кўрсатдики, янги хатарлар уларни бартараф этиш учун янги ечимларни талаб қилади. Хитой Халқ Республикасининг пандемияга қарши кураш бўйича муваффақиятли тажрибаси мамлакатларимиз ўртасида ушбу соҳада самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун объектив шароит яратди. Хитой халқи ХХР Раиси Си Цзиньпин раҳбарлигида нафақат янги коронавирус инфекциясининг юзуга келиши билан муваффақиятли курашишга муваффақ бўлди, балки 2020 йил охирига қадар иқтисодий ўсиш траекториясига кирган йирик давлатларнинг биринчиси бўлди.

ХХР Раиси Си Цзиньпин баёнот берганидан, Хитой камбағаллик қўламини қисқартириш бўйича режалаштирилган мақсадларига эришди ва салмоқли ғалабани қўлга киритди. Саккиз йил ичида барча камбағал қишлоқ аҳолиси қашшоқликдан чиқарилди, салкам 100 миллион киши қашшоқлик кишанларидан озод бўлди. Махсус рўйхатга киритилган барча қашшоқ уездлар бартараф этилди. Мутлақ ва минтақавий қашшоқликка барҳам берилди.

Шу боис, камбағаллиқни қисқартириш Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишига айланмоқда. Хитой халқининг бу борадаги муваффақиятли тажрибаси ҳавас қилса аризулиқдир.

Икки мамлакатнинг манфаатдор вазирлик ва идоралари ўртасида амалий алоқалар ўрнатилгани ҳолда, уларнинг доирасида ўзарo ҳамкорлик ҳам алғашилмоқда. Бу йўналишдаги ҳамкорликнинг амалий аҳамияти оширишга қаратилган ва келгуси йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси қабул қилиниши кутилмоқда.

Жорий йил январь ойида давлатимиз раҳбари Хитой — Марказий Осиё янги иқтисодий мулоқот стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Ушбу ташаббусда тўсиқларсиз савдо-сотик таъминланиши ҳамда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришнинг умумий маконини шакллантиришга даъват этилган.

Хитой томони ҳам ўзарo ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва уни янада чуқурлаштириш истиқболларини юқори баҳолади. 2021 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой кичик қўмитасининг еттинчи йиғилиши муваффақиятли ўтди, сармоявий ҳамкорлик учун булутли платформа ишга туширилди, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа йўналишларда ўзарo шериклиқнинг истиқболлари юзасидан тақдиротлар ўтказилди. Жорий йил февраль ойида 2022–2026 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ва инвестициявий

ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳукуматларaro дастур имзоланди. Унда яқин беш йилликдаги иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини режалаштириш тамойиллари ҳамда устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Санъат ва маданият халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган асосий омиллардан бўлиб, давлатларaro муносабатларда энг илҳомбахш соҳадир. Ўзбекистон ва Хитой Шарқ маданияти ва цивилизациясининг муҳим қисми ҳисоблангани боис, бу мазкур йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун катта имкониятлар эшигини очди. Чуқур тарихий ил-дизларга эга бўлган ўзбеклар ва хитойликлар ўртасидаги дўстлик ришталари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги яхши қўшничиликни янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам пойдевордир. Қадим замонлардан буён ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Буюк ипак йўлида муҳим марказ бўлиб келган ва бу алоқалар ривожланишига, давлатлар ва минтақалар ўртасида ахборот алмашиш, янги турдаги махсулотлар тарқалиши ва маданиятларнинг ўзарo бойишига кўмаклашган.

Ушбу тарихий трансмиллий ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий қадриятлар ҳаракатланиши йўлининг асосий бўғинларида жойлашган мамлакатларимиз жаҳон цивилизацияси ривожига муҳим ҳисса қўшган. Бу умумий бойлиқка, халқлар ўртасида бир-бирини ўзарo тўғри тушунишнинг мустаҳкам туғунига, цивилизацияларaro мулоқотнинг муҳим воситасига айланиб қолди.

Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида бебаҳо хитой ёзма манбалари кўп. Уларда Бухоро, Самарқанд, Хива сингари тарихий шаҳарларимиз бот-бот ёдга олинган. Олимларнинг фикрича, ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги қадимий алоқалар тарихи Хан салтанати элчиси, олим ва сайёҳ Чжан Цан ёзиб қолдирган, эраимздан аввалги II асрга оид ишларда жуда тўлақонли ифода этилган.

Ушбу тарихий давр замонавий Ўзбекистон ҳудудида жаҳон илм-фани, маданияти, адабиёти ва, умуман, цивилизация ривожига беқиёс ҳисса қўшган жуда кўплаб олим ва мутафаккирлар силсиласи пайдо бўлишига кўмаклашган. Улар орасида дунёга машҳур олимлар Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек ва бошқалар бор.

2003 йили Чанчун шаҳрида Камолиддин Беҳзод шарафига бунёд этилган ёдгорлик Хитойда ўзбек маданияти вақилига ўрнатилган биринчи ҳайкал бўлди, 2017 йилда эса Шанхай университети ҳовлисида буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳайкали қад ростланди. Бу тадбирлар хитойликларнинг ўзбек халқи маданияти ва санъатига чуқур ҳурмати ва катта қизиқишидан далолат бўлди. Ўз навбатида, Ўзбекистонда, Самарқанд давлат университети ёнида Хитойнинг буюк мутафаккири Конфуций ҳайкали ўрнатилди.

Ҳар икки мамлакатда мунтазам равишда маданият кунлари, кўргазмалар, викториналар ўтказилмоқда. Ўзбекистон ва Хитойнинг маданият, санъат ва спорт намоёндалари икки мамлакатда ташкил этилаётган йирик халқаро тадбирларда иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил май ойида Хитойга таширифи ва тегишли ҳужжатлар имзоланиши туризм соҳасидаги Ўзбекистон — Хитой муносабатларига янги суръат бағишлади.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 июнь куни ШХТнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган саммитида тузилмага аъзо давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан Самарқандда “Ипак йўли” халқаро туризм университетини барпо этиш ташаббусини илгари сурди. Уша йилнинг 28 июнида давлатимиз раҳбарининг мазкур олий ўқув юртини ташкил этиш тўғрисидаги фармони қабул қилинди.

Таълим соҳасидаги ўзарo ҳамкорлик борасидаги муваффақиятларни қайд этмаслик мумкин эмас. Айан ушбу йўналиш стратегик шериклик

характерига эга бўлган дўстона Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг мустаҳкам пойдеворидир.

Бугунги кунда мамлакатларимизнинг илмий ва техник муассасалари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган, олий ўқув юртлари ўртасида талабалар алмашинувлари, давлат идораларaro йўналишда малака оширувлар қўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистоннинг 6 та олий ўқув юртида хитой тили ўқитилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 600 нафардан ортиқ талаба хитой тилини асосий тил сифатида ўрганмоқда. Бундан ташқари, у мамлакатнинг кўплаб ўқув марказларида факультатив фан сифатида ҳам ўрганилади. Талабаларни Хитой халқи тарихи, маданияти ва анъаналари билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари ҳузурида Хитой тили марказлари ташкил этилган бўлиб, улар техник ўқув воситалари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва мамлакатшуносликка оид материаллар билан таъминланган.

Тошкент ва Самарқандда Конфуций институти мавжуд бўлиб, уларда 1,2 минг нафардан ортиқ ўзбекистонлик хитой тилини ўрганмоқда.

2015 йилда Тошкент давлат шарқшунослик университетида хитойшунослик факультети очилган. Унинг ҳузурида синхрон таржима маркази ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган тил лабораторияси фаолият кўрсатаётир. Факультетда Ўзбекистон ва Хитойда ўтказиладиган халқаро тадбирларда иштирок эта оладиган синхрон таржимонлар тайёрлаш бошланди.

Ўз навбатида, 2015 йили Шанхай халқаро тадқиқотлар университетида Хитойдаги биринчи ўзбек тили кафедраси очилди. 2018 йил ноябрь ойида ушбу университетда “Ўзбек тили” мутахассислиги бўйича бакалавр дастури ҳамда Ўзбек тили ва маданияти маркази иш бошлади.

Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда. Хитойнинг энг йирик мегаполиси, бизнес ва маданият маркази, 1994 йилдан буён Тошкентнинг биродар шаҳри — Шанхай Ўзбекистон — Хитой муносабатларини, жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алмашувларни ривожлантиришда сезиларли ўрин тутмоқда.

Шунингдек, Сиань шаҳри ва Самарқанд ўртасида, Шаньси вилояти ва Самарқанд вилояти ўртасида биродарлик битимлари тузилган. Шундай қилиб, мамлакатларимиз ўртасида тўрт жуфт биродар шаҳар ва биродар минтақа юзуга келди.

Маҳаллий аҳамиятга молик бундай ҳамкорлик амалда ушбу ҳудудлар аҳолиси ўртасида ўзарo тушунишни мустаҳкамлашга, нафақат маданий-гуманитар, балки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

Халқ дипломатияси, яъни мамлакатлар аҳолиси ўртасидаги алоқани кенгайтириш ҳам муҳим омилдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан Тошкентда ташкил этилган ШХТ Халқ дипломатияси маркази бу ишга катта ҳисса қўшмоқда. Ушбу марказ Хитой Дўстлик ва яхши қўшничилик қўмитаси билан яқин алоқаларни қўллаб-қувватламоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан 2014–2018 йилларда республикамиз тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган жами 126 миллион доллар микдорига тенг қатор грант-инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

ХХР ҳукумати билан биргаликда қиймати 6,5 миллион доллар бўлган “Республика болалар тиббиёт марказлари ва Тошкент шаҳри болалар шифохоналарини тиббий ва махсус жиҳозлар билан жиҳозлаш” ҳамда 2,2 миллион доллар қийматидаги “Минтақа ногиронлар марказларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳалари рўёбга чиқарилди.

Коронавирус тарқалишига қарши кураш доирасида мамлакатларимиз бир-бирига инсонпарварлик ёрдамлари йўллаб, инфекция тарқалишига қарши кураш ва коронавирусга чалинган беморларнинг даволанишига кўмаклашди. Эпидемиянинг биринчи тўлқини авжига чиққанида Хитой Фанлар академияси Микробиология институти олимлари ва Ўзбекистон Инновацияни ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази мутахассислари COVID-19 га қарши муваффақиятли синовдан ўтган ZF-UZ-VAC2001 вакцинасини яратиш бўйича ҳамкорлик ўрнатди ва бу вакцина эмлаш учун Ўзбекистонда қўлланилди.

Ўзбекистон — Хитой муносабатлари кенг истиқболга эга ва бундай ўзарo алоқалар ҳақли равишда яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзарo кўмак намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон — Хитой муносабатлари келажагига некинлик ва ишонч билан қараш имконини беради.



ШХТ САММИТИ ОЛДИДАН

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА УЛКАН ИМКОНияТЛАР

Бугун Самарқанднинг қадим улуғвор замини янада сайқал топиб, янги қиёфа касб этган. Шаҳарда ШХТнинг навбатдаги саммитини кутиб олишга кўтаринки руҳ билан қизгин ҳозирлик кўрилган. Дунё миқёсида йил воқеаси, йилнинг энг йирик ва нуфузли сиёсий тадбири дея эътироф этилаётган Самарқанд саммитида 15 давлат раҳбари қатнашиши кутилмоқда. ШХТга аъзо мамлакатлар раҳбарлари сўнгги уч йилда илк бор бир жойга тўпланади.



муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги халқаро туризмни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар дастури изчил амалга оширилиши устувор вазифадир.

ШХТ мамлакатлари ўртасида туризмни ривожлантиришнинг жуда катта имкониятлари мавжуд. Бу давлатларнинг умумий майдони Арктикадан Ҳинд океанигача ва Шанхайдан Калининградгача чўзилган, бу ҳудудларда дунё аҳолисининг 40 фоизидан ортиғи яшайди. Бу улкан туризм бозори, лекин унинг салоҳиятидан етарлича фойдалана олаётганимиз йўқ. Туризм учун жуда муваффақиятли бўлган пандемиягача даврда — 2019 йилда ШХТ давлатларидан 250 миллионга яқин сайёҳ чет элда дам олган (*Хитой — 155 миллион киши, Ҳиндистон — 27 миллион киши, Россия — 20 миллион киши, Ўзбекистон — 1,7 миллион киши, Қозоғистон — 206 минг киши, Тожикистон — 31 минг киши*). Бу эса халқаро туризм учун аjoyиб имкониятларни намоиш этади.

66

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ҚАДАМ-БАҚАДАМ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНАЁТГАНИ УЧУН САНОҚЛИ ЙИЛЛАР ИЧИДА КАТТА САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ ЯРАТИЛДИ. БУ ИШ, АВАЛЛО, ТУРИЗМ СЕКТОРИ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ВА ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ ОЛИЙ ЁҚУВ ЮРТИНИ БАРПО ҚИЛИШ БИЛАН БОШЛАНГАН ЭДИ.

чуқурлаштиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш лозимлиги кўрсатиб берилган.

— ЮНЕСКОнинг кўплаб жаҳон маданий мероси объектини ШХТга аъзо давлатлар, кузатувчилар ва ҳамкорларнинг умумий маданий мероси ташкил этади. Бу борадаги ҳамкорлик тўғрисида маълумот берсангиз.

— Бу маданий мерос объекти туризмни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, асрлар давомида бутун дунёдан сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда.

ШХТга аъзо давлатларнинг туризм ҳам-жамиятлари билан ҳамкорликдаги сайёҳаракатларини фаоллаштириш туризмни бир-галликда тарғиб қилиш, сайёҳлик ресурслари имижини кўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишда

ШХТ мамлакатларининг туризм имкониятлари жуда кенг. Бу маданият туризмида ҳам, зиёрат, дам олиш, табибий ва экстремал туризмда ҳам кўзга ташланади. Зеро, Хитойдаги Буюк Хитой девори, Деамин император саройи, Россиядаги қадимги рус меъморлигининг "Олтин халқа" шаҳарлари, Москва ва Санкт-Петербургдаги бетақор сарой ва кўприклар, табиат мўъжизаси — Бойкўл ва Сибир ўрмонлари, Ҳиндистондаги Тожмаҳал ва бошқа бобурий ҳукмдорлар саройлари, Покистоннинг Лаҳор шаҳридаги бобурийлар мероси, Қозоғистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси, олтин кийимли одам топиламалари сайёҳларни жалб этиб келмоқда. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий ва очиқ осмон остидаги музей-шаҳарлари,

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Баҳроуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Паҳлавон Маҳмуд каби буюк сиймолар мақбаралари, Қирғизистоннинг мовий Исиккўли, Тожикистоннинг осмонўпар чўққилари — буларнинг ҳаммаси ШХТга аъзо давлатлар сайёҳлик имконияти ҳам бозор, ҳам талаб, ҳам имконият жиҳатидан нақадар катта ва муҳташамлигини кўрсатади.

— Туризмни ривожлантириш амалиётига кўра, соҳанинг юқори даромадли бўлиши учун туризм бозоридаги барча иштирокчилар сайёҳаракатларини бирлаштириш зарур. Бу борада ШХТ макони доирасида қандай янги имкониятларни кўряпсиз?

— Ўзбекистон туризмни ривожлантиришда катта ютуқларга эришяётгани жаҳон ҳамжамияти, жумладан, ШХТга аъзо давлатлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири — туризм. Мамлакатимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объекти мавжуд. Шу билан бирга, юртимизнинг ўзига хос табиати, гузал дам олиш масканлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда, янги сайёҳлик йўналишларини очиш мумкин.

Туризмни ривожлантириш стратегияси қадм-бақадм амалга ошириб келинаётгани учун санокли йиллар ичида катта салоҳиятга эга бўлган туризм индустрияси яратилди. Бу иш, аввало, туризм сектори учун юқори малакали ва жаҳон талаблари даражасида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртини барпо қилиш билан бошланган эди.

Президентимизнинг 2018 йил 28 июндаги фармони билан таъсис этилган "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети қисқа муддатда ҳам мамлакатимиз, ҳам ШХТ мамлакатлари учун туризм соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган олий ўқув юртига айланди. Бу ерда таҳсил олаётган 1,5 мингга яқин кундузги, 1,5 мингдан зиёд сиртки бўлим талабаси эрта-индин туризм соҳасига "янги қон" бўлиб қўшилди. Бугунги кунда ШХТ, МДХ, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ёшлари ҳам университетида таҳсил олмақда.

— Самарқанд саммитини юқори савияда ўтказиш ишларида "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети-нинг ҳиссаси қандай бўлади?

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида бутун мамлакат, вилоят аҳли қатори университетимиз жамоаси ҳам жиддий тайёргарлик кўрди. Университет профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари иштирокида меҳмонларга хизмат кўрсатадиган юзлаб ресторан, меҳмонхона, туризм объекти, музей, транспорт ходимлари, мингга яқин кўнгилли ўқитилди ва қайта тайёрланди. Бугун университет ходимларининг барчаси, талабаларимизнинг асосий қисми ШХТ саммити меҳмонларига хизмат ва ёрдам кўрсатишга шай турибди.

Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг маркази бўлиб, қадим замонлардан буён бутун дунё сайёҳлари эътиборини ўзига тортиб келган. Орадан неча минг йиллар ўтиб юртимизга ана шу қадимий сифат қайтмоқда, мамлакатимиз яна дунёнинг туризм ҳабларидан бирига айланяпти. Мамлакатимиз туризм бўйича халқаро рейтингларда тобора юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Самарқанд саммитида туризмни ривожлантириш ва маданий меросни асраб-авайлаш бўйича ҳамкорлик юқори босқичга чиқди ҳамда мамлакатимизда туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири
Лутфулла СУВОНОВ суҳбатлашди.**

МУНОСАБАТ

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. "Самарқанд руҳи" деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустақкам пойдевор бўлиши мумкин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ЗАМОНАВИЙ
ФОРМАТДАГИ САММИТ

Ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустақкамлаш
йўлидаги тарихий платформа



**Бобур УСМОНОВ,
Стратегик ва минтақалараро
тадқиқотлар институти директори
ўринбосари**

► Бошланиши 1-бетда

Бундай тарихий эврилиш даврида Ўзбекистон ШХТга раислик доирасида мисли кўрилмаган сиёсий, дипломатик, ташкилий ва техник жиҳатдан мураккаб вазиятларга дуч келиши аниқ эди. Аммо Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги бошланган кундан буён орадан бир йил ўтиб, бугун раислик натижаларини сарҳисоб қилар эканмиз, мамлакатимиз нафақат ўз олдида турган барча вазифаларни муваффақиятли бажаргани, балки халқро ҳамжамият қаршида ёруғ юз билан тургани, мазкур йирик ташкилотнинг бугунги тараққиёти ва истиқболи учун катта ҳисса қўшганига гувоҳ бўламиз.

Пандемиянинг салбий оқибатлари ва жаҳон иқтисодиётидаги беқарорлик давом этаётган бир шароитда йил давомида 80 дан зиёд тадбирни самарали ўтказишга муваффақ бўлдик. Бу минтақавий ташкилотлар фаолиятида жуда кам учрайдиган ўта интенсив фаолият кўрсаткичидир. ШХТ доирасида раислик қилган бошқа ҳеч бир давлат бу қадар кўп тадбир ўтказишга муваффақ бўлмаган.

ШХТга аъзо давлатлар делегациялари иштирокида турли даражадаги ва Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида бўлиб ўтган кўп томонлама дипломатик, иқтисодий, ахборот соҳаларидан тортиб, санъат ва маданий-гуманитар алоқаларгача бўлган учрашувлар ташкил этилди. Улар турли форматларда, жумладан, виртуал ва юзма-юз учрашувлар, шунингдек, музокараларнинг ҳар иккала турини ўзини мужассам этган гибрид режимларда бўлиб ўтди. Шу мақсадда ушбу тадбирларнинг кун тартиби, дастури, иштирокчилари рўйхати ва аҳамияти ҳужжатларини мувофиқлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

ШХТ доирасида тадбирларини ташкил этишда Ўзбекистон томонидан янгича ёндашув ва форматлар жорий қилинди. Улар нафақат Тошкентда, балки мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳам

ўтказилди, бу эса Шанхай ҳамкорлик ташкилотига алоқадор давлатларнинг мамлакатимиз вилоятлари салоҳияти билан ақидан танишиш имконини берди. Шу тариқа, Нукус, Бухоро ва Фарғонада ШХТ Миллий координаторлари кенгаши ййғилишлари ташкил этилди. Хивада транспорт вазирлари ййғилиши, Бухорода камбағалликни қисқартириш халқро форуми бўлиб ўтди. Жорий йилнинг август ойида Самарқанд шаҳрида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон томонидан ўтказилаётган кўплаб учрашув ва музокаралар нафақат ШХТ доирасида йўлга қўйилган ҳамкорлик тамойилларини, балки унинг фаолияти доирасида янги талаб қилинадиган йўналишларни ҳам қамраб олди.

Ўзбекистон раҳбарининг ШХТ кун тартибини истиқболли ва долзарб масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик орқали кенгайтиришга қаратилган қатор таклифлари амалга оширилди. Хусусан, ташкилот доирасида биринчи марта Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, камбағалликни қисқартириш масалаларига бағишланган вазирлик даражасидаги учрашувлар бўлиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон ташаббуси билан ШХТ доирасида халқ дипломатияси, туризм, анъанавий табиёт фойдалари, ёш истеъдодлар ўртасида стартап лойиҳалар танлови ўтказилди.

Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги даврида марфон каби давом этган дипломатик фаолият мисли кўрилмаган натижани таъминлади. Бир йил ичида ушбу ташкилот доирасида 37 та халқро ҳужжатнинг келиши жараёни бошланиб, мувофиқлаштирилди ва Самарқанддаги саммит арасидаги муваффақиятли якунига етказилди. Бу ҳам ушбу ташкилот тарихидаги ўзига хос кўрсаткичдир. Қолаверса, ушбу ҳужжатларнинг 30 таси Ўзбекистон ташаббуси билан, асарияти Президент Шавкат Мирзиёев таклифи билан ишлаб чиқилган бўлиб, улар стратегик муҳим ва амалий характерга эга. Бу ҳужжатлар ШХТда ўзаро ҳамкорлик соҳаларини мазмунан ва институционал жиҳатдан кенгайтиришга қаратилган.

Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги энг юқори нуқтаси 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтадиган саммитдир. Қайд этиш жоизки, бу учрашув Ўзбекистон ва ШХТ тарихида мисли кўрилмаган даражадаги катта халқро сиёсий-дипломатик тадбир бўлади. Айтиш мумкинки, у оддий ШХТ саммитларидан фарқли ўлароқ, "ШХТ+" форматида ўтказилади.

Тадбирда ташкилотга аъзо давлатлар, шунингдек, кузатувчи ва бошқа ҳамкор мамлакатлар раҳбарлари қатнашади. Бундан ташқари, саммит доирасида қатор араб давлатларининг юқори мартабали вакиллари ҳамда БМТ, МДХ ва 10 га яқин бошқа халқро ташкилотлар раҳбарлари ҳам Самарқандга ташриф буюриши кутилмоқда. Мазкур тадбирнинг қўлами ва формати шу қадар кенгики, уни "саммитлар саммити", деб атасак ҳеч муболага бўлмайди. Зеро, унинг доирасида асосий воқеа — ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувидан ташқари, бошқа кўплаб икки ва кўп томонлама расмий тадбирлар ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Бир суз билан айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев мақоласида таъкидлаганидек, **"ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципиалари асосланган янги, инклюзив мулоқот йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади"**.

ШХТ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҒОЯЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРУВЧИ
ВА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ГЕОСИЁСИЙ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАМАЙДИГАН ТАШКИЛОТДИР

Хорижий матбуот Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитидан кутилаётган натижалар ҳақида

Халқро сиёсий ҳаётдаги йирик воқеа — Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидидаги (ШХТ) раислигига яқун ясайдиган Самарқанд саммити арасида хорижий оммавий ахборот воситаларининг эътибори тарихий учрашув кун тартиби, шунингдек, ушбу минтақавий тузилманинг асосий тамойил ва мақсадларига қаратилган.

Хусусан, қатор оммабоп янгиликлар порталлари ва тахлилий манбалар ШХТ Самарқанд саммитининг ўзига хослиги ва ундан нималар кутилаётгани ҳақида маълумотлар тарқатган.

Улар орасида "Malaysia Today Magazine" журнали, "EU Political Report" тахлилий портали, Мисрнинг "Elmwatini" наشري, Исроилнинг "MIGNews" агентлиги, Индонезиянинг "Berita Satu" газетаси, Италиянинг "New Europe" газетаси, Латвиянинг "LETA" ахборот агентлиги, БААнинг "Arabian Journal" журнали, Словакиянинг "Финансовая газета", Франциянинг "La Gazette" газеталари ва бошқа кўплаб ахборот манбалари бор.

Наشرларнинг барчаси бўлажак саммитнинг ўзига хос хусусиятини қайд этиб, унда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари сўнгги уч йил ичида биринчи марта биргаликда юзма-юз учрашаётганини таъкидлаган. Бу эса пандемия даврида

тўпланиб қолган икки томонлама, минтақавий ва глобал даражалардаги масалаларни муҳокама қилиш учун ноёб ва самарали имконият бўлиши, ташкилотнинг истиқболдаги тараққиётининг йўналишларини белгилайдиган муҳим қарорлар ва келишувлар қабул қилиниши қайд этилган.

Хорижий оммавий ахборот воситалари ШХТнинг блок эмаслиги, балки кўп қиррали ҳамкорлик ғояларини илгари сурувчи ва ҳеч қандай геосиёсий мақсадларни кўзламайдиган, ҳеч кимга қарши ҳаракат қилмайдиган тузилма эканига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу тамойиллар ташкилотнинг устав ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилган ва унинг бутун тарихи ушбу қоидаларга қатъий риоя қилинаётганини намоён этмоқда.

Мақолаларда саммитда 15 та давлат етакчилари ва ШХТ билан ҳамкорлик қилаётган 10 та халқро ташкилот раҳбарлари иштирок этиши кутилаётгани

маълум қилинган. Саммитнинг юксак мақоми ва юқори даражада ташкил этилаётганини ҳисобга олган ҳолда, у Ўзбекистоннинг таъсири кучайиб бораётгани, давлатимиз раҳбарининг халқро сиёсатчи сифатидаги обрўси тобора юксалаётганининг яна бир тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда ШХТ жиддий трансформация босқичига қадам қўймоқда. Бу жараён унинг аъзолигини кенгайтириш ҳамда ташкилот ичидида ва атрофидаги ўзгарувчан воқеалик билан боғлиқ, Самарқанд саммитида Эрон томонидан Мажбурийятлар меморандуми имзоланиши кутилмоқда, бу эса мазкур мамлакатни ШХТга аъзо бўлиш учун тўғридан-тўғри йўл очади. Бундан ташқари, Миср, Қатар ва Саудия Арабистони билан мулоқот бўйича шерик мақоми-ни бериш бўйича меморандумларга қўл қўйилади. Бахрайн ва Мальдив ороллари билан ҳамкорлик мақомини олиш учун аризалар тасдиқланиши кутилмоқда.

Европанинг "Diplomat Magazine" журнали, Эроннинг "Iran Daily" газетаси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Савдо-саноат палатасининг веб-сайти, Италиянинг ирик "Askapews" ахборот агентлиги, Кувайтнинг "Times Kuwait" газетаси ва бошқа манбалар

Ўзбекистоннинг ташкилотдаги роли, мамлакатимизнинг ШХТдаги амалдаги раислиги мазмун-моҳиятига эътибор қаратган. Уларда Марказий Осиё халқро институт директори Анвар Носиёвнинг ушбу мавзуну очиб берган мақоласи жойлаштирилган.

Мақолада Ўзбекистоннинг раислик мақомидаги фаолиятида Президент Шавкат Мирзиёев янги ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ўз ифодасини топгани алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон ШХТ давлатларини жаҳон миқёсидаги геосиёсий ва иқтисодий эврилишлар даврида кўп томонлама ҳамкорлик аҳамиятини қайта кўриб чиқишга чакирлади. Шу боис, ШХТнинг Самарқанд саммитида Ўзбекистон Президенти кун тартибини сезиларли даражада янгиллаш ва мазкур ташкилот фаолиятини модернизация қилишга қаратилган қатор илғор ташаббус ва таклифларни илгари суриш қутилаётгани ургулган.

Индонезиянинг "Jakarta Globe" етакчи наشري, Франциянинг "Muslimans en France" портали, Мисрнинг "Akhbarna" газетаси ва бошқалар Тошкентнинг Афғонистон бўйича музокалар майдончаси сифатида муҳим роляга эътибор қаратган. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитнинг асосий мав-

зулардан бири Афғонистон иқтисодиёти-ни тиклаш масаласи бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

"Афғонистондан чет эл қўшинлари тўқиб олиб чиқиб кетилган, бу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришда ШХТнинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ошди", деб ёзади ОАВ.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентининг ушбу Ташкилотнинг кузатувчи ва ҳамкор давлатлари, шунингдек, халқро ташкилотларни жалб қилган ҳолда "ШХТ — Афғонистон" шаклидаги олий даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиш ташаббуси алоҳида долзарб ҳисобланади.

"Ушбу форматнинг самарадорлигини 2022 йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтган "Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш" мавзусидаги халқро конференция исботлади. Унда йиғмадан ортиқ хорижий мамлакатлар ва халқро тузилмалар делегациялари иштирок этди", дея таъкидланган наشرларда.

Қайд этилганидек, ушбу масалалар бўйича, биринчи навбатда, ШХТга аъзо давлатлар томонидан ўзаро мақбул ечимларни топиш мазкур мамлакатдаги вазиятни янада ривожлантириш, унинг замонавий жаҳон иқтисодий алоқалари

ва халқро муносабатларга қайтиши ҳамда минтақадаги барқарорликка таъсир кўрсатиши қайд этилган.

Айрим хорижий наشرлар, жумладан, Италиянинг "Lo Spessore" мустақил онлайн-журнали, Мисрнинг "Elasimah" ҳамда Франциянинг "La Gazette" газеталари ва бошқалар ШХТ сиёсатининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби йўналиши ва бу борадаги тамойиллар ҳақида ёзган.

Улар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудудлар мониторингини амалга ошириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ШХТ мамлакатларининг халқро ҳамкорлиги марказидаги устувор йўналишлар экани ҳақида суз юритган.

"Ташкилот ШХТ Хартияси ва Уставада тасдиқланган ҳужжатларга риоя қилган ҳолда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқро лойиҳаларни илгари суриш ва амалга ошириш устида иш олиб бормоқда", деб ёзади манбалар.

ШХТнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитида янги барқарор ва юқори инновацион иқтисодий моделларни мустақкамлаш ва ривожлантириш кун тартибининг марказида бўлиши хабар қилинган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИДА КАДРЛАР СИЁСАТИ

Аюбхон РАДЖИЕВ,
Абдулла Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти
ректору, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Бошланиш 1-бетда

Ҳақиқатан ҳам, соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли таълимни ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу изчиллик жабҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларда яққол намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда соҳага қаратилаётган эътибор кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётгани, ўқитувчиларга қўллаб-қувватлаш ва енгилликлар яратилаётгани ҳақида қўл гапиряпмиз. Бироқ соҳа ҳодимларининг бунга жавоби қандай бўляпти?

Ўқитиш сифати педагоглар савиясига боғлиқ

Ҳар йили август ойининг охирида Давлат тест маркази томонидан навбатдаги ўқув йили учун олий таълим муассасаларига қабул бўйича ўтказилган тест синовлари натижалари таҳлили эълон қилинади. Абитуриентларнинг тест синовларидаги кўрсаткичлари тўплаган балларга қараб гуруҳланиб, 56 баллдан паст натижа кўрсатганлар сони ва уларнинг барча абитуриентларга нисбатан салмоғи кўрсатилади. Охириги йилларда мазкур кўрсаткич жами абитуриентларнинг қарийб ярмини ташкил қилмоқда. Бу эса мактаб битирувчиларининг 50 фоизи талаб қилмайдиган билимнинг бор-йўғи ярмига эга экани, яъни мактабларимизда сифатли таълим берилмаётгани ҳақидаги мулоҳазаларга сабаб бўлади. Албатта, қабул имтиҳонларида иштирок этаётганларнинг ҳаммаси ҳам мактаб битирувчилари эмас, бироқ салмоқли қисмини жорий ёки ундан олдинги йилда мактабни битирганлар ташкил қилади.

Олий таълим муассасаларига қабул жараёнида абитуриентларнинг паст натижа кўрсатиши мактабларимиздаги таълим сифатида айрим муаммолар борлигини намоён қилувчи янча ҳолат эмас. 2019 йили Сирдарё вилоятида ўтказилган ўрганишлар жараёнига жалб қилинган ўқитувчиларнинг ярмидан кўпи ўзи дарс берадиган фандан қоникарсиз натижа кўрсатган. Ёмони, мазкур ўқитувчиларнинг ўқувчилари ҳам тегишли фанлардан жуда паст балл тўплаган.

Абдулла Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти охириги йилида ўтказган таҳлиллар биология ўқитувчиларининг 90,6 фоизи, физика ўқитувчиларининг 97,6 фоизи ўз фанидан жуда ҳам саёз билимга эга эканини кўрсатди.

Ўзида йўқ билимни бировга бериб бўлмайди

Мактабларимизда ўқитувчилар касбий маҳоратининг пастлиги, таълим сифати талаб даражасида эмаслиги, битирувчиларнинг билими етарли бўлмагани учун олий таълим муассасаларига қиролмаётгани, сифат тарқибни юқори бўлмаган абитуриентлардан шакллантирилган талабалардан тайёрланган ўқитувчиларнинг етарли даражада рақобатбардод эмаслиги каби муаммолар асосий масала ўқитувчининг тажрибаси ва маҳорати билан боғлиқлигини кўрсатяпти. Чунки мактабдаги таълим сифати ундаги ўқитувчилар савиясидан юқори бўлолмайди.

Таълим сифатига таъсир қилувчи бошқа омиллар борлигини таъкидловчи фикрлар ҳам кўп билдирилди. Шулардан бири — синфларда ўқувчилар сонининг кўпчилиги. Юзак қараганда кам сонли ўқувчиларни ўқитиш кўп сонли ўқувчиларга дарс беришдан кўра, оsonроқ туюлади. Бироқ бу кам сонли болаларнинг таълим сифати юқори бўлиши, дегани эмас.

2000 йилларнинг бошида таълим ислохотини бошлаган ривожланган мамлакатларда синфлардаги ўқувчилар сонини камайтириш ўқитиш сифатини таъминлашнинг йўлларидан бири ҳисобланган. Кейинги таҳлиллар бундай ёндашув қўлланган натижа бермаганини кўрсатди. Европа Иттифоқининг деярли барча ва Осиё минтақасининг бир қатор давлатлари ана шу йўлдан бориб, таълимга харажати сезиларли даражада оширган. Бироқ уларнинг фақат бир нечтаси таълим сифатининг сезиларли яхшиланишига эришган, аксариятда ўқитиш сифати ўзгармасдан қолган ёки ҳатто пайсаяган.

АҚШнинг бир неча штати ва шаҳарларида, шунингдек, Сингапур ва Жанубий Кореяда қўлиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, агар ўртача қўбилиятга эга етти-саккиз ёшли икки ўқувчи бир-биридан жуда фарқ қиладиган (юқори ва паст савияли) ўқитувчилар бириктирилса, уч йилдан кейин уларнинг билими даражаси бир-бириникидан 50 фоиздан зиёдроққа фарқ қиларкан. Демак, юқори малакали



Ўқитувчилар дарс берган синфларда ўқувчилар уч баробар тезроқ ривожланар экан.

Жорий йил июнь ойида мамлакатимизда бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти бош қотибининг таълим сиёсати бўйича маслаҳатчиси Андреас Шляхерга “Ўқитиш сифатини таъминлаш учун нима муҳим: синфлардаги ўқувчилар сонини қисқартириши ёки ўқитувчиларнинг савиясини ошириши?” деган савол берилди. Унга жавобан мутахассис шундай деди: “Агар сиз дарсларни қисқартириш ёки ўқитувчиларнинг малакасини оширишдан бирини танлашингиз керак бўлса, педагогларнинг савияси муҳимроқ. Бу борада юқори натижаларга эришган давлатлар, масалан, Хитой тажрибасини ўрганишимиз мумкин. Дарҳақиқат, бу мамлакатда жуда катта синфлар мавжуд. Лекин, иккинчи томондан, бу давлатда педагог кадрлар малакасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда”.

Демак, таълим сифатини оширишда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини

давлат ва жамият муаллимга тегишли шароитлар яратиб беради.

Европадаги Финляндия, Германия, Франция, Эстония каби таълимни ривожланган мамлакатлар, шунингдек, Осиё минтақасидаги Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия каби давлатларда мактаб ўқитувчиларининг замон талабларига мос тайёргарлик кўришини таъминлаш учун педагоглардан ҳар йили малака ошириш талаб қилинади. Бу жараён турли шакл ва давомийликка эга бўлиб, уларда муаллимларнинг иштирок этиши мажбурийдир. Малака ошириш курсларининг давомийлиги Европа мамлакатларида камида 5 кун этиб белгиланган бўлса, Жанубий Кореяда 108 соат, Сингапурда 100 соатдан кам бўлмаслиги лозим.

Бизда эса 2021 йилгача амалда бўлган тартибга кўра, ўқитувчилар ҳар 5 йилда бир марта 144 соатлик дастурга асосланган малака ошириш курсларида ўқиши лозим эди. Бироқ ҳар беш йилда ўқиладиган малака ошириш курси зарур билимларни замонавий суръатга мос тарзда янгиллаб берилайди. Сабаби, курсларда олинган билим тез эскиради, бу эса ўқитувчиларнинг тараққиётдан ортда қолишига, ўқитадиган фани, методикаси ва таълим технологиялари билан боғлиқ янгиликлардан беҳабар бўлиб қолишига олиб келади.

Бугунги кун талабларига мувофиқ жавоб беролмай қолган мазкур тартиб “Ҳаёт давомида ўқиш” тамойилига асосланган узлуксиз касбий ривожланиш тизимига трансформация қилинди. Ҳақ таълими ҳодимлари, жумладан, педагог кадрларнинг ҳар йили камида 36 соат ҳажмда малака ошириши ва белгиланган кредит балларни тўллаши мажбурийлиги тартиби йўлга қўйилди. Мазкур қоида педагог кадрлар малакасини оширишнинг 6 та шаклидан (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш; массофавий таълим; дуал таълим; мустақил таълим; малака оширишнинг муқобил шакллари) бирини ўз ихтиёрига кўра танлаши мумкинлигини назарда тутди.



“БУГУН ТЕЗ ЎЗГАРАЁТГАН ЗАМОНДА ИҚТИСОДИЁТ, ФАН ВА ТАЪЛИМ МИСЛСИЗ СУРЪАТДА РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. МАВЖУД ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, МАКТАБ ФАНЛАРИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲАР ЙИЛИ ТЎЛА ЯНГИЛАШГА ЭҲТИЁЖ СЕЗИЛЯПТИ. БУНДАЙ ШАРОИТДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШ УЧУН ЎҚИТУВЧИ ҲАР КУНИ ЎҚИБ ЎРГАНИШИ ЗАРУР. МАЗКУР ТАЛАБНИ БАЖАРИШИ УЧУН ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУАЛЛИМГА ТЕГИШЛИ ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРАДИ.

ошириш бошқа ёндашувларга нисбатан самаралироқ экан. Бошқача айтганда, мактабда, худудда ва низоъи мамлакатда сифатли таълимни таъминлаш юқори малакали педагогларга боғлиқ.

Самарали ўқитиш учун узлуксиз ўқиш керак

Замонавий дунёда ўқитувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш жамият ривожланишини таъминловчи асосий механизмдир. Таълим сиёсати соҳасида жаҳоннинг етакчи экспертларидан бири бўлган Майкл Барбер бир мақолада самарали мактаб тизимини тавсифловчи таркибий элементлардан бири юқори малакали ўқитувчилар жамоаси ҳақида уларнинг педагогик фазаилати ва малакасини муттасил тақомиллаштиришдир, деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун тез ўзгараётган замонда иқтисодиёт, фан ва таълим мислсиз суръатда ривожланиб бормоқда. Мавжуд илмий ахборотлар, шу жумладан, мактаб фанларига доир маълумотларни ҳар йили тўла янгиллашга эҳтиёж сезилляпти. Бундай шароитда муваффақиятли феолият олиб бориш учун ўқитувчи ҳар куни ўқиб ўрганиши зарур. Мазкур талабни бажариши учун

Мактабнинг вазифаси — ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисида низоми”да “Умумий ўрта таълим ўқувчиларга билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба қўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради”, деб қайд этилган.

Ўқувчиларни профессионал ташхиллаш ва касб-хунарга йўналтириш, шунингдек, ўғил-қизларни юқори малака талаб этмайдиган касбларга тайёрлаш умумий ўрта таълим мактабининг вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Демак, ўқувчи шахсини мустақил фикрлаш, таълимнинг кейинги турини танлаш ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касбларни эгаллашга тайёрлаш умумий ўрта таълимни амалга оширувчи таълим муассасаси — мактабнинг мақсади экан.

Ўқув муассасаси ўз вазифасини қандай бажармоқда?

Мамлакатимизда мактаб битирувчиларининг касб танлаш борасидаги фикрини ўрганиш учун 1000 дан ортиқ мактабда педагог ва ўқувчилар билан суҳбат ўтказилди. Битирувчилар билан мулоқот чоғида уларнинг қайси йўналиш бўйича ўқишни давом эттириши ва қайси касбни танлаши билан қизиқиб, касбларни билиши ва танлаш борасидаги фикрлари таҳлил қилинди.

Ҳар иккала ёндашув асосида — бориб кўрганга ҳам, сўровнома ўтказилганда ҳам хулоса бир хил бўлди. Натижалар таҳлили мамлакатимизда юздан ортиқ касб мавжуд бўлса-да, битирувчилар бор-йўғи 20 га яқин касб ҳақида тасаввурга эга эканини кўрсатди.

Тадқиқот натижасида маълум бўлишча, битирувчиларнинг 20,9 фоизи педагогика ва психология касбини танлаган, бу жами битирувчиларнинг 81 минг 500 нафарини ташкил этмоқда. Энг қўйи кўрсаткич ижодий соҳаларда экани қайд этилган, яъни 1,4 фоиз. Хуналар ичида энг юқори кўрсаткич ижтимоий хизмат соҳалари (саратрошлик, тикувчилик, косметологик ва бошқалар)да, энг қўйи натижа эса фермерлик, деҳқончилик, хунаремдлик ва устачиликда экани маълум бўлди.

2021/2022 ўқув йилида мактабни таоммлаган 11-синф битирувчиларининг

67 фоизи “Сизнинг 11-синфини битиргандан кейинги режаларингиз қандай?” деган саволга жавоб натижалари аллақачон касбий(соҳаси)ни танлаб қўйганини кўрсатмоқда. Аммо келажак ҳақида аниқ тасаввурга эга, деб ҳисобланган мазкур битирувчиларнинг қўйи касб-хуналар ҳақида етарлича маълумотга эга эмас. Ҳатто жуда кўп касбларни билимайди, яъни меҳнат бозорига қайси касбга талаб юқори, қайси касбдан қанча даромад олиш мумкинлигига қизиқмаган. Битирувчиларнинг 6 фоизи келажакни ҳозирдан режалаштиришга ҳали эрта деб ҳисоблашини ҳамда шахсий ҳаёт, оила қуришини режалаштиратганини таъкидлаган.

Ҳозирда иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасида касблар жуда кўп. Ўларнинг аксариятида олинмадиган даромад олий маълумотли мутахассисликдан анча салмоқли. Шундай экан, нега битирувчи ўқувчилар фақат бир неча касб ва уларни эгаллаш учун ўқиши лозим бўлган олий таълим муассасаси ҳақида маълумотга эга? Уларнинг қўйи билан 20 фоизи олий таълим муассасаларига кириши мумкин, қолгани нима билан шуғулланади? Агар қўлида бирор хунари бўлмаса, нима қилади?

Ана шу саволларга жавоб беришда қийналмаслик учун бугунги кун мактабиде эртанинг кунги ҳаётни назарда тутган ҳолда, таълим-тарбия ишини ташкил қилиш ва бунда ўқувчиларга касб танлаш борасида зарур маълумотларни тақдим этиб бориш керак. Мактаб имкон қадар ёшларни мустақил фикрлашга ва таълимнинг кейинги турини танлаш ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касбларни эгаллашга тайёрлаш вазифасини бажариши лозим. Шундагина ўғил-қизларимизнинг келажигидан, мустақил ҳаётга қадам қўйишдан кўнглимиз хотиржам бўлади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти илм-фан ва таълимга қаратилган эътибор, яратилган шароит ҳамда ушбу соҳаларга ажратилаётган сармояга боғлиқ. Бунга ҳар соҳада юксак даражага етган Жанубий Корея, Япония, Сингапур сингари қўллаб-қувватлаш тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди. Бугунги кунда юртимизда таълим, илм-фан соҳасига қаратилаётган юксак эътибор замирида ҳам айтиш шу ҳақиқатлар турибди. Зеро, мамлакатнинг келгусидаги равнақи, тараққиёт йўли бевосита бу соҳалардаги ютуқлар билан боғлиқ.

БЕМОР ҲАМ, ТАБИБ ҲАМ — ЎЗИМИЗ



Авазжон МАРАҲИМОВ,
Термиз давлат университети ректори,
профессор

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган вақтидаги илк учрашуви ҳам айнан илм-фан соҳаси вакиллари бўлиши олимлр ва академиклар билан бўлганини алоҳида қайд этиш даркор. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан барча соҳа сингари таълим тизимида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, олий таълимга ёшларни қамраб олиш кўлами бир неча баробар кенгайтирилди. Ўқитишнинг сиртки, кечки, массофавий шакллари жорий этилди.

Таълимдаги ислохотларни биргина Сурхондарё вилояти мисолида таҳлил қилсак. Бундан 5 йил олдин воҳада

“ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАГИСТРАТУРАСИГА ҚАБУЛ АБИТУРИЕНТНИНГ БАКАЛАВРИАТ ДИПЛОМ БАЛИ ЎРТАЧА КЎРСАТКИЧИ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ТЕГИШЛИ МИЛЛИЙ ЁКИ ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ БАЛИ АСОСИДА, БАЛЛАР КЕТМА-КЕТЛИГИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ ҲАМДА ҚЎШИМЧА ИМТИҲОН ЎТКАЗИЛМАЙДИ. ШУНИНГДЕК, ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАГИСТРАТУРАСИГА ҚАБУЛ БИР ЙИЛДА ИККИ МАРТА — АВГУСТ ВА ЯНВАР ОЙЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

фақат Термиз давлат университети мавжуд бўлган. Қабул квотасининг камлиги, битта олий ўқув юрти эҳтиёжини тўла қамраб ололмаслиги сабабли қўллаб-ёшлар илм олиш учун пойтахтга кетар эди. Воҳа зиёилари, минглаб ота-оналар Сурхондарёда ҳам яна бошқа олий ўқув юртлари очилишини орзу қилган.

Президентимизнинг ташаббуси ўлароқ, қисқа муддатда бир қатор ОТМлар ташкил этилди. Айни пайтда воҳада 6 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Бу бўлғуси талабалар, ёшларимиз учун катта имконият, десак муболаға бўлмайди.

Яна бир ислохот профессор-ўқитувчиларга яратилаётган кенг шароитлардир. Уларнинг маоши ўртача 3,5 баробар оширилди — 3 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача. Қолаверса, илмий даражага эга бўлганларнинг фаолиятига қараб, қўшимча 30 ва 60 фоизгача устамалар бериш тартибининг жорий қилинганини ҳам эътироф этиш лозим.

Шунингдек, соҳадаги энг муҳим ислохотлардан бири сифатида ОТМга қабул жараёнларининг онлайн ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш керак. Тест ва ижодий имтиҳонлар олиш тартиби янада шаффофлашди. Ўқишни қўчириш ва тиклаш жараёни ҳам онлайн бўлиб ўтмоқда. Бу ота-оналар, талабалар учун қўлай имконият яратиш билан бирга, ортиқча сарф-харажат, сарсонгарчилик ва қўғозбозликлардан халос бўлиши таъминлади. Асосийси, бу жараёнларда инсон омили иштирок этмайди. Абитуриент смартфонга орқали исталган жойда туриб ариза топшира олади.

Президентимизнинг шу йил 15 июндаги “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ги қароридан 2022/2023 ўқув йили учун магистратурага қабул ҳамда ўқишни қўчиришда янги тартиб жорий қилинди.

Унга кўра, давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул абитуриентнинг бакалаврият дипломи

били ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат бали асосида, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди. Шунингдек, давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул бир йилда икки марта — август ва январь ойлариде ташкил этилади.

Юқоридеги қарор билан давлат олий таълим муассасасининг биридан бошқасига талабалар ўқишини қўчиришга рухсат бериладиган ҳолатларга ҳам оидинлик киритилди.

Ушбу тартиб жорий қилинган, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Улар орасида бу тартибни қўллаб-қувватловчилар ҳам, унга эътироз билдирувчилар ҳам бор. Албатта, ҳар қандай ислохот, ўзгаришларни жамият бирдан қабул қилиши қийин. Бу муйайян вақт талаб этади.

Ҳар бир соҳада дунё илм-фанининг сўнгги янгиликларидан хабардор кадрларга талаб юқори. Бунинг учун эса хорижий тилларни талаб даражасида билиш муҳим аҳамият касб этади. Магистр бевосита илмий изланишларида халқаро илм-фандаги сўнгги натижалардан фойдаланиши учун хорижий тиллардан қанча биттасини мукаммал билиши лозим.

Қолаверса, хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат бали ва бакалавр диплом баланинг ўртачаси ўқишга қабул қилишга асос бўлади. Яъни талабгор ҳеч қандай имтиҳонга қирмайди. Бу эса

ўқишга қабул қилишда очиклик, адолат, шаффофликни таъминлайди, инсон омили иштирок этмайди. Энг муҳими, соҳада жамиятимизда энг катта иллат бўлган коррупцияга чек қўйилди.

Шу маънода, 2022/2023 ўқув йилида Термиз давлат университетининг магистратура босқичига 109 нафар номзод ҳужжат топширди. Шундан 76 нафари ўқишга қабул қилинди. Бу жараёнда янги тартиб бўйича ҳеч қандай имтиҳон ўтказилмади. Номзодларнинг хорижий тилларни билиш бўйича халқаро сертификати ва бакалавр дипломи балларининг ўртачаси асос қилиб олинди. Январ ойида талабгорларга яна имконият бор. Хорижий тиллар бўйича яна синовларда иштирок этиб, халқаро сертификат олиб, ҳужжат топширишлари мумкин.

Хориждан ўқишини қўчириш бўйича эса 2946 та ҳужжат қабул қилинди. Бу абитуриентларнинг тест имтиҳонлари ҳам ДТМ томонидан ўтказилди.

Коррупция балоси тараққиётимизнинг кушанаси бўлиб келмоқда. Илмий давомида бу иллат авж олиб, усиз бирон ишмиз битмайдиган даражага етиб қолди. Бунинг гуноҳ экани ҳам унутилди. Зеро, муқаддас динимизда, аллома ва мутафаккирларимизнинг асарларида пора ҳаром қилингани ҳақида қўллаб-қўллаб келтириш мумкин.

Аммо шу ҳолатларни кўра-била туриб ҳам айрим абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари фирибгарларнинг алдовига учиб қолмоқда. Қарс икки қўлдан чиқади. Бунга англамаслик, тан олмаслик жамиятимизда коррупция балосидан буткул қутулишга ҳалал беради. Фарзандининг билими, интилиши яхши, репетиторга қатнайди, шундай бўлса-да, айрим ота-оналар қинғир йўллари қидира бошлади. Кимнингдир алдовига, фирибга учраб, кейин ўзини жаборидега кўрсатиб юради. Хулоса шуки, коррупцияга қарши ҳар биримиз, кенг жамоатчилик ҳамжихат курашасигана ижобий натижага тезроқ эришамиз.



1932 йилда ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ҚУРИЛГАН, ЭНДИ ЭСА ЗАМОН БИЛАН УЙЎНЛАШТИРИЛГАН БУ МАСКАН ОИЛАВИЙ ТАШРИФЛАР УЧУН ҲАМ ЖУДА КУЛАЙ ҲОЛГА КЕЛТИРИЛГАН. ЧУНКИ У ЕРДА ДАМ ОЛИШ УЧУН ҲАММА ШАРОИТЛАР МАВЖУД. БОҒДА НАФАҚАТ ДАМ ОЛИШ, БАЛКИ ОВҚАТЛАНИШ, ШАХМАТ-ШАШКА ВА ТЕННИС УЙНАШ, ВЕЛОСИПЕД ҲАЙДАШ, ПИЁДАЛАР УЧУН ҲОЗИРЛАНГАН МАХСУС ЙЎЛАКДА САЙР ҚИЛИШ ҲАМ МУМКИНЛИГИДАН ЯНАДА МАМНУН БЎЛДИК.

Кўпчиликнинг кўнглидаги ободлик

Янгича қиёфада очилган Ўзбекистон миллий боғи биз яшаб турган Камолон дарвоза маҳалласига, ишхонамиз Ёзувчилар уюшмасига жуда яқин. Пиёда беш-ўн дақиқалик йўл.

Оқтепа анҳори бўйида қад ростлаган уйлари-мизни Адиблар шаҳарчаси десак бўлади. Сабаби, Президент қарори асосида ёзувчи-шоирлар учун қурилган кўп қаватли етти та уйда Ёзувчилар уюшмасининг 100 нафардан ортиқ аъзоси яшайди. Имтиёзли ипотека кредити асосида 20 йил муддатга берилган бу хонадонлар илгари ижарада ё кам хонали квартираларда яшаётган кўплаб адибларга бошпана бўлди. Ижодкорлар энди бу уйларда яшашяпти, янги-янги асарларини ёзишяпти.

Бу бахтли инсонлар орасида мен ҳам борман. Уч хонали квартирамизда аёлим, ўғлим, синглим ва укам билан яшайман. Аёлим Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети магистранти, синглим Тошкент тиббиёт академияси талабаси, укам Абдулла Қодирий ижод мактаби ўқувчиси. Ўғлим янги уйлarning биринчи қаватида жойлашган болалар ботчасига боради.

Мен ишлаётган жой — Адиблар хиббони худудидаги Ёзувчилар уюшмаси биноси эса Миллий боғ билан ёнма-ён жойлашган. Тошкент шаҳар тарихи музейи, “Magic city” кўнгилочар маркази ҳам шундоқ яқинимизда. Ишдан бўш вақтларимизда касбдошлар билан бу жойларни айланамиз. Боғ худуди ё унга ёндош жойларда

қилинган бу каби масканлардан сўнг Миллий боғнинг тақдири нима бўлар экан деган хавотирим ҳам йўқ эмасди? Хайрият, боғ қайта гўзал қиёфа касб этди.

27 август кuni давлатимиз раҳбари Ўзбекистон миллий боғида қилинган ишларни бориб кўрди, нуронийлар, адабиёт ва санъат аҳли билан суҳбатлашди. Бунинг оммавий ахборот воситаларидан кўрдим.

Президентнинг “Бугун шаҳарларимизда бўлаётган ўзгаришлар яхши, лекин қадриятларимизни эъзозлаш, хотира ҳам керак”, дегани қалбларимизга хурсандчилик улашди. Чунки замонавий шаҳарсозлик аввалги Тошкент қиёфасига пуртаркетмаслиги шарт.

Тарихга бир назар солинг. Узоқ йиллардан бери Тошкентнинг энг машҳур жойи ва рамизи бўлган бу боққа келган одамлар мириқиб сайр қиларди. Талабаларнинг энг эсда қоларли дамлари шу ерда ўтарди ахир. Адиблар эса кўркам табиатдан илҳом оларди. Энди бу ерда бемалол шеърят, китобхонлик кечаларини, китоб тақдиротларини, турли маданий тадбирларни ўтказиш мумкин. Шу йўл билан келганларни адабиётга, санъатга ошно қилса бўлади. Шунда тарих билан бугунги кун уйғунлашади.

Кўпчиликнинг кўнглидаги иш — боғдаги яна икки жihat ҳақида ҳам тўхталиш керак. Жами майдони 40 минг квадрат метр бўлган кўл қайта тикланибди. Ажойиб. Сув сизмаслиги ва лойқаланмаслиги учун кўл тубига махсус қопламалар ётқизилябди. Худди ривожланган мамлакатлардаги каби. Қирғоқлар тартибга келтирилиб, чўмилиш ҳавзаси ташкил қилинган. Мингдан зиёд дарахт, 200 мингга яқин бута кўчатлари экилябди. Бу каби ўзгаришлар пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини ҳам бирдек хурсанд қиладди.

1932 йилда ҳашар йўли билан қурилган, энди эса замон билан уйғунлаштирилган бу маскан оилавий ташрифлар учун ҳам жуда қулай ҳолга келтирилган. Чунки у ерда дам олиш учун ҳамма шaroитлар мавжуд. Боғда нафақат дам олиш, балки овқатланиш, шахмат-шашка ва теннис ўйнаш, велосипед ҳайдаш, пиёдалар учун ҳозирланган махсус йўлакда сайр қилиш ҳам мумкинлигидан янада мамнун бўлидик.

Хуллас, бир ижодкор ўлароқ бу каби хайрли ишлардан жудаям миннатдорман. Нафақат Тошкентимиз, балки бутун Ўзбекистонимиз бундан-да гўзал қиёфага киришини, дунёдаги энг кўркам юрта айланишини истаيمان. Бунга ишонаман ҳам.

Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати бўлими бошлиғи

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ



Олимпиадада йўл Спортчи қиз мақсад сари дадил одимламоқда

Эндигина бешинчи синфга ўтган Турсуной деярли ҳар кuni мактабдан қайтгач, тушлик қилиб, қайгадир шошадиган одат чикарди. Бир куни онаси унинг ортидан кузатди. Қараса Турсуной тўғри мактаб спорт зали томон ошмакәтир. Қизи зал эшигидан ичкарини кузатарди. Залда бир гуруҳ болалар чиройли спорт кийимида устозлар ҳаракатларини такрорлашарди. Бундан хабар топган Валижон ака қизининг спортга меҳри бўлақча эканини аниглади. Асли чавандоз, спортдан яхшигина хабардор бўлгани боис, қизини машғулотларга жалб этишга киришди.

Доимо олға ҳаракати самарасида халқаро спорт майдонларида бир неча бор юртимиз мадҳиясини баралла янграшига эришди.

Устози Баҳром Мендибоев энди жаҳон чемпионлигини кўлга киритиш вақти келганини таъкидларди. 2018 йилда Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида ҳаяжон бўлдимки ёки дунёнинг кучли атлетлари ҳам бўлган беллашувларда бир оз тажрибаси етмадими, хуллас, натижа кўрсата олмади. Лекин у ўзини йўқотиб қўймади. Хатолардан хулоса чиқаришга, ўз устида янада қаттиқроқ ишлашга киришди. Устозининг ҳар бир топширигини мукаммал бажарди.

Натижада 2021 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида -87 кг. вазнда иштирок этиб, рақибларини доғда қолдирди. Силтаб кўтаришда ҳам, даст кўтаришда ҳам ғолибликка эришди. Жорий йилда Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида яна ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Август ойида Туркиянинг Коня шаҳрида ташкил этилган Ислom бирдамлиги ўйинларида ҳам ўз вазни бўйича тенгсизлигини амалда намoён этди.

Орзулар сари олға интил

Қамаши туманидаги “Манғит” маҳалла фуқаролар йиғинида таваллуд топган Турсуной Жабборова шу пайтгача тўрт қарра жаҳон чемпионлигини кўлга киритди. Эндиги нияти Олимпиада ўйинларида қатнашиш. Спортчи нуфузли мусобақада ғолибликни мақсад қилган. Бунинг учун унда имкониятлар ҳам, тажриба ҳам етарли.

Айни пайтда у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг

психология факультети иккинчи босқич талабаси.

— Спортчи учун энг асосийси руҳий тайёргарлик, — дейди Турсуной Жабборова. — Бунинг мусобақаларда иштирок этганлар кўп бора бошдан ўтказган. Бир оғиз нотўғри гап тинимсиз меҳнатни йўққа чиқариши мумкин. Боиси, қанча ҳозирлик кўрманг, руҳий ҳолатингиз тушкун бўлдими, кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Шу боис, спортчилар, аввало, руҳан тайёр бўлиши керак. Яхши кайфиятда бошланган ҳар қандай иш ўз ижобий натижасини беради. Мендан қизлар оғир атлетика билан шуғулланса, саломатлигига салбий таъсири бор ёки йўқлиги борасида кўп сўрашадди. Нафақат оғир атлетикада, балки ҳар қандай спорт турида ҳам унинг ўз техникаси, услубларига қараб шуғулланмас экансиз, албатта, фойдасидан кўра, зарари ошиб кетади. Шунинг учун ҳар доим мураббийлар маслаҳатига амал қилган ҳолда шуғулланиш лозим.

Турсунойнинг илк бор спортга кириб келишига отаси сабабчи бўлган. Афсуски, бугунги кунда қизи эришган ютуқларни кўриш унга насиб етмади.

— Отам менга доим олдинга интилишни, ғалаба сари ҳаракат қилишни ўргатган бўлса, устозларим спортни мукаммал ўзлаштиришга ёрдам бериб келган. Бугун давлатимиз бизга кенг имкониятлар эшигини очиб берган экан, бундан фaқат унумли фойдаланиш даркор, — дейди Турсуной.

Эндигина йилгирма ёшга кирган қизнинг энг асосий мақсади Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон мадҳиясини баралла қуйлаш.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жihatдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-964.
81594 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов
Мусаҳҳих: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 2130 Топширилди — 23:55



БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

Янги имкониятлар маскани

Жамолиддин КАРИМОВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



Янгиланаётган Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу амаллар халқаро жамоатчиликнинг юксак эътирофига сазовор бўлиб, ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалишига хизмат қилмоқда. Хусусан, АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) Ўзбекистонда диний эркинлик бўйича ижобий ўзгаришларни олқишлаб, махсус кузатувдаги мамлакатлар рўйхатидан чиқарди. Шунингдек, АҚШнинг Жон Ҳопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти президенти Фредерик Старрнинг “Ўзбекистон: мусулмон дунёсидаги ислохотлар учун янги модель” мақоласида ҳам диний-маърифий соҳадаги ислохотлар ҳақида илиқ фикрлар билдирилган.

Юртимизда буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллат ва дин вакилларининг ўзаро бағрикенглик таъминлиги асосида тинч-тотув яшашни таъминлаш диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг асосий йўналишидир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, илмий-тадқиқот марказлари, қатор муассасаларда юртимиздан етишиб чиққан, жаҳон илм-фани ва ислом цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган алломаларнинг меросини содда ва раван тилда халқимизга етказиш, айниқса, ватанпарварлик, ота-онага ҳурмат, силаи раҳм, диний бағрикенглик, маънавиятимизга ёт турли иллатларга нисбатан муросасизлик каби ғояларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш юзасидан тизимли тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Хусусан, бу борада Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан амалга оширилган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Марказ олдида буюк аждодимиз, мутакаллим аллома, мотуридийлик таълимоти асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридий ва унинг издошлари меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ҳамда қиёсий матнларини нашр этиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик руҳида тарбиялаш, буюк алломаларнинг кутубхона ва кўлёмза фондларида сақланаётган кўлёмза ва тошбосма асарларининг асл ҳамда электрон нусхаларини жамлаш, улар устида тадқиқот олиб бориб, келажак авлодга безавол етказиш каби бир қатор муҳим ва долзарб вазифалар қўйилган.

Марказда Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” ва “Китоб ат-таҳид” асарларининг ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржималарини яратиш устида қилинаётган изланишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг 29-жузи нашр қилинган бўлса, 25-26-27-28-жузлари шу йил якунига қадар чоп этилиши режалаштирилган. Миллий ҳамда диний қадриятларимизнинг асл ўзатгини ташкил қилувчи эзгу ғоялар, ҳақиятда диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мўътадил ислом таълимоти халқ орасига чуқур кириб бориши учун асарнинг ҳар бир жузи асосида содда ва халқчил тилда “Таъвилотдан дурдоналар” руқни остида оммабоп рисоалар ҳам тайёрлаш кўзда тутилган.

Ҳозирги вақтда марказда Имом Мотуридийнинг “Китоб ат-таҳид” асари устида фундаментал тадқиқотлар олиб боришмоқда. Жумладан, асарнинг Буюк Британиядаги Кембриж университети кутубхонасида сақланаётган дунёдаги ягона

нусхаси асосида танқидий матн ҳамда илмий-изоҳли таржимасини амалга ошириш мақсад қилинган. Айни вақтда ушбу тадқиқотлар деярли якунланган бўлиб, нашр қилиниши кўтилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда қадимий ёзма манбаларни ўрганиш, сақлаш, уларни реставрация қилиш ҳамда келажак авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини бу борадаги муҳим амалий қадам сифатида эътироф этиш мумкин. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий жамоаси ушбу қарорда кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Хусусан, марказда жорий йил 1–6 июль кунлари Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидagi диний таълим муассасалари вакиллари учун Туркия Республикаси Ибн Халдун университети профессори, доктор Ҳамза Бақрий иштирокида “Кўлёмза манбаларни тадқиқ этиш иммига кириш” мавзусида малака ошириш курслари ташкил қилинди. Юртимизда фаоллиқ юритётган манбашунос мутахассислар кўлёмзаларни тадқиқ этишда қўлланилаётган замонавий ва инновацион ёндашув ва услублар, соҳада қўлга киритилган энг сўнгги илмий янгилик ва натижалар билан бевосита танилиш имконига эга бўлдилар.

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказида юртимизда диний-маърифий соҳадаги ислохот ва ижобий ўзгаришларни кенг тарғиб қилишга қаратилган халқаро даражадаги тадбирлар ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, шу йил 31 март кuni марказ халқаро илмий хайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иштирок этган хайъат аъзолари — жаҳоннинг етакчи университети ва илмий-тадқиқот марказлари вакиллари — кўзга кўринган исломшунос ҳамда каломшунос олим ва мутахассислар мотуридийлик таълимотига оид замонавий тадқиқотларни саралаш, ўзаро ҳамкорликда семинар ва ўқув машғулотлар ташкил қилиш, ходимлар алмашинувини йўлга қўйиш, мусулмон мамлакатлари университетларида Имом Мотуридий номи билан аталган кафедралар очиш каби қатор муҳим масалаларни муҳокама қилдилар.

Шунингдек, Таълим, фан ва маданиятни таъдиқ қилиш маркази (IRCICA), Туркия Республикаси Салжук университети Имом Мотуридий тадқиқот маркази ва юртимиздаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда “Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон” мавзусида II халқаро онлайн илмий-амалий симпозиум ўтказилди.

Симпозиумда умумий ҳисобда 150 дан зиёд, жумладан, Миср, Туркия, Малайзия, Германия, Россия, Мароккаш, Қозғоғистон, Қирғизистон каби мамлакатлардан 30 дан ортиқ етуқ мотуридийшунос ҳамда исломшунос олим ва мутахассис, маҳаллий тадқиқотчилар қатнашдилар.

Марказ томонидан Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига бағишлаб нашр қилинган китоблар тақдимотини ўтказиш аънанаси йўлга қўйилган. Бу йил ҳам ушбу гўзал аънанани давом эттирган ҳолда Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари тақдимотини нафақат виллотларда, балки Миср, Туркия, Малайзия, Россия, Қозғоғистон каби хорижий мамлакатларда ҳам ўтказиш мақсад қилинган.